ОДОБ—ИНСОН ЗИЙНАТИ

# ФАЗИЛАТ

КИМКИ БЎЛСА, ХУШЧИРОЮ, ХУШҚИЛИҚ,
ДОИМО КЎРГАЙ ЖАҲОНДА ЯХШИЛИК.
АЛМАНИЙ.

ФАН-ТЕХНИКА жадал ривожланаётган, ҳаётимиз кун сайин фаровонлашаётган жамиятимизда кишиларнинг маданияти ҳам, маънавий савияси ҳам ўсиб бормоқда.

Ҳамма яхши хислат-фазилатларнинг бошланиши — одоб, муомала-муносабат ва пок ниятдир. Одамларда бир қатор ана шундай инсоний хислат-фазилатлар борки, уларни бирбиридан ажратиш асло мумкин эмас. Чунки, улар ўзаро бир-бирини тўлдириб ва уйғунлашиб кетиши инсон камолотига олиб келади. Чинакам инсонийлик одамларга бўлган беқиёс муҳаббат, жамият ва оилага, жамоат мулкига, коллективга, ҳар бир шахсга оқилона ва одилона муносабатда бўлишда, ҳалоллик ва камтаринликда намоён бўлади. Булар ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида батафсил айтиб ўтилган.

Шаҳримиздаги «Қизил Шарқ» маҳалласида ана шундай инсонийлик фазилатларига эга бўлган оилалардан бири — Меҳнат Қизил Байроқ ордени соҳиби, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Рустамхўжа Бобоев оиласидир.

Рустамхўжа ота ўлкамиз қишлоқларини коллективлаштириш ва саводсизликни тугатиш ишларида фаол қатнашиб келган иқтидорли новатор ўқитувчи. Отахон бутун умрини халқ бахт-саодати йўлига бағишлаб, оилада саккиз фарзандни — беш ўғил ва уч қизни тарбиялаб камолотга етказди. Фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли, турли касбларнинг мутахассислари бўлиб етишишди. Улар шаҳримиздаги корхона ва муассасаларда ҳалол ишлаб, эл-юртга хизмат қилишмоқда.

ҲАР бир киши инсонийликни ўз виждони билан яратади, агар виждони, қалби соф туйғулар билан йўғрилган бўлса, албатта ҳаётда одамларга яхшилик қилишдан боши чиқмайди. Пок виждон туйғуси замирида таркиб топган инсонийлик фазилатлари ишхонада ҳам, қўни-қўшнилар ўртасида ҳам, маҳаллада ва оилада ҳам фақат яхшилик келтиради. Одамлар ўртасида, жамоат аҳли орасида дўстликни, аҳилликни, самимийликни, ўзаро ҳурмат ва меҳрни таркиб топтиради.

Одам ҳамиша ўзининг яхши хислатлари билан, хайрли ташаббуслари билан эл-юртнинг корига керак бўлиб юриши фазилат ва зийнатдир. Бир шоир айтган экан:

**Ҳамиша керак бўл халқнинг хизматига,**
**Безак бўл оламу, одам зотига.**

Лекин беш бармоқ баравар бўлмаганидек, яшаш мазмунини фақат яхши кийиниш, текин даромад, шоҳона уй-жой, дабдабали тўй-томоша қилишда деб биладиган, эл-юртнинг, долзарб масалаларни ҳал қилаётган одамларнинг қувонч-ташвишлари нима экани билан ҳисоблашмайдиган кимсалар ҳам учраб туриши дилимизни ранжитади. Бундай кишилар одатда худбин бўладилар, маҳалла-кўйда ўтказиладиган ҳашарларга, тўй-маросимларга бош қўшмайдилар, бировнинг ташвиш-қувончига ҳамдард бўлмайдилар, лекин ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай эгри ишга қўл урадилар. Бундайлар ўзларини жуда каландимоғ тутадилар.

Одамларга меҳр-оқибатли бўлиш, кўпчиликнинг оғирини енгил қилиш, жамоатчилик ишларида актив қатнашиб, эл-юрт хизматини адо этиш маънавий гўзаллик, юксак инсоний фазилат, бир сўз билан айтганда одамийлик бўлади.

**А. ҲАЙДАРОВ,**
**229-мактаб ўқитувчиси.**

Маданият янгилиги

## Муносиб туҳфа

**Улуғ анжуман кунларида Муқимий номидаги ўзбек Давлат музикали театри коллективи томошабинларга ўзига хос туҳфа армуғон этди. Драматург Исфандиёр қаламига мансуб «Чароғондир чўлда юлдузлар» спектакли мухлислар кўригига тақдим қилинди.**

**Мазкур саҳна асарига композитор Эдуард Қаландаров музика басталаган. Асарда ҳаётимизда учраб турган мансабпарастлик, дабдабабозлик, қўшиб ёзиш ва сохта ном чиқаришга интилиш каби иллатлар фош этилган.**

**Шуниси қувончлики, уни таниқли артистлар билан бир қаторда кечаги кун талабалари — Гулчеҳра Носирова, Ботир Муҳаммадхўжаевлар ҳам асосий ролларни ижро этганлар.**

**Асарни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Баҳтиёр Ихтиёров раҳбарлигида ёш режиссер Рустам Бобохонов саҳналаштирган. Саҳна безагини эса А. Жибоедов ишлаган.**

**Ф. АҲМЕДОВ.**



Суратдаги дуторчи қизларнинг асли касби шифокорлик. Зотан, қўшиқ санъати ҳам ўзига хос шифокорлик аслида. 1-шаҳар клиник касалхонасида тузилган «Шифокор» ансамблининг мухлислари буни юракдан тасдиқлашади.
Т. Каримов фотоси.

Ёш ота-оналар учун

## Фарзандларингизни мактабга кузатганда...

Ота-оналар олдида давлат муассасаларида ижтимоий меҳнат қилишдан ташқари, ҳар доим яна бир масъулиятли бурч ва вазифа туради. Бу вазифа ўзининг моҳияти билан ижтимоий вазифалар қаторида туради, яъни ёш авлодни жисмоний соғлом ва ақлий баркамол ҳамда меҳнатга қобилиятли қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Фарзандингиз мактабнинг биринчи синфига борганда унга қанчалик эътибор берсангиз, кейинчалик ҳам бу эътиборни сусайтирмаслик зарур. Ёш ўқувчини соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашда уни нормал равишда кийинтириб мактабга кузатиш алоҳида аҳамият касб этади. Баъзи ёш ота-оналар қиш кунлари жуда ҳам куйди-пишдилик қилиб болаларини мактабга кузатганда унинг организмига номуносиб кийимлар билан ўраб ташлайдилар. Бундай оғир кийимларда, табиийки, бола эркин ҳаракатлана олмайди.

Одатда ўқувчилар учун алоҳида мактаб формалари мавжуд, булар енгил ва шу билан бирга иссиқ. Улар дарсга мактаб формаларида боришлари лозим.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир синф учун дарс жадвали мавжуд. Ўқувчилар мактабга кетаётганларида шу жадвалга мувофиқ тартиб билан китобларини портфелларига жойлашлари зарур. Ўқувчиларнинг бор китобларини оғир, катта портфелларга солиб мактабга бориши уларнинг суяк тўқималарининг нормал ривожланишига салбий таъсир кўрсатишини мутахассис врачлар ўз текширишларида аниқлашган.

Агар ёш ота-оналар ўз болаларини ёшликдан режали ва тартибли иш тутишга ўргатсалар, уларнинг ўқиши тартибли, ишлари эса самарали бўлади.

**С. АБДУЛЛАЕВА.**

## ЯНГИ ҚАНДОЛАТ

**Булка-кондитер комбинатида икки хил янги маҳсулотни тайёрлаш ўзлаштирилмоқда. Унинг биринчиси холвасимон ширинлик бўлиб, у «Шарқ қандолати» деб аталади. Янги маҳсулот лаборатория синовидан муваффақиятли ўтди.**

**Бу йил корхонада иккита янги механизациялашган линия ишга туширилади. Биринчисида бир суткада 16 тонна чўзинчоқ печенье тайёрланса, иккинчисида суткасига 6 тонна мармелад ишлаб чиқарилади.**

# ШАНБА ОҚШОМИ

Ақл-ақлдан қувват олар

## Туркман халқ мақоллари

✦ Ақл айнимас, олтин чиримас.
✦ Ақл бошдан чиқар, олтин — тошдан.
✦ Ақл куч берар, куч—юрак.
✦ Ақл йигитга дастмоя, ақлсизнинг умри зое.
✦ Оқил уйини безар, ақлсиз бўйини.
✦ Оқилнинг қадри ақлсизнинг ёнида маълум.
✦ Оқил ўрганар, аҳмоқ ўргатар.
✦ Оқил иши билан, аҳмоқ тили билан.
✦ Ақлни ёлғон чарчатар.
✦ Ақлинг бўлса ақлингга суян,
✦ Ақлинг бўлмаса —нақлга.

**Тўпловчи Т. ҚУРБОНОВ.**

Набобот—ҳаёт манбаи

# ҲАМ БАРНО, ҲАМ ДАВО

**Ҳурматли редакция! Манзарали дарахтлардан каштанни дардларга даво, меваси овқат, саноатга ғоят зарур ўсимлик дейишади. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.**

**М. ТОЛИПОВ,**
**«Ташсельмаш» заводи ишчиси.**

Каштанг ранг, каштан каби иборалар тез-тез учраб туради. Бу ранг асосан каштан дарахти мевасининг ранги ҳисобланиб, айнан жигар рангига мос келади. Ўсимлик қора қайинлар буклар оиласига мансуб бўлиб, чинор каби забардаст азим дарахт. Фанда унинг ўн тўрт тури маълум. Айрим турлари Шимолий Америка, Япония, Ўрта Ер денгизи мамлакатлари ва Хитойда тарқалган. Мамлакатимизнинг мўътадил иқлимли серёғин районларида экма каштан (каштан посевной-каштанум сативум) ўсади. Бу ўсимлик Қора денгиз соҳилларида жойлашган Абхазия ва Аджария автоном республикаларида, Шарқий Закарпатье ҳамда Шимолий Кавказда каштан ўрмонларини ташкил қилади.

Каштаннинг бўйи 30—35 метр, тана айланаси 4—6 метрга боради. Унинг меваси каштан деб номланиб, тўйимли озиқ сифатида шундайлигича ёки қовурилган ҳолда истеъмол қилинади. Бундан ташқари бу дарахт мебелсозлик саноатида ва бочкасозликда жуда қадрланади. Дарахт ёғочи намгарчиликка ғоят чидамли бўлиб, чиримайди. Шу боисдан у сув ости иншоотлари қурилишида қўл келади.

Республикамизнинг шаҳар кўчаларида, хиёбон ва боғларида каштан ўсимлигининг бошқача оиласига мансуб манзарали тури — Сохтакаштан (конский каштан — эскулус хиппокаштанум) ўстирилади. Бу ўсимлик иссиқ-совуққа чидамли бўлиб, экма каштан каби савлатдор. Апрель-май ойларида гуллайди. У экма каштандан баргларининг ва гулларининг тузилиши билан фарқланади.

Сохтакаштан мевасининг уруғи ташқи кўриниши жигарранг, ялтироқ, бироз шарсимон шаклга эга. Бизнинг шароитда ўсадиган сохтакаштан мевалари истеъмол учун мутлақо ярамайди. Лекин у доривор ўсимликлар қаторига киради. Унинг пўстлоғи, гули ва мевасидан дамлама ёки қайнатмалар тайёрланади. Халқ медицинасида ўсимлик пўстлоғидан тайёрланган қайнатма қораталоқ, бавосил, бронхит, бод ҳамда ичакнинг яллиғланиши натижасида ич кетганда ва қон тўхтатувчи восита сифатида ишлатилади. Гулидан тайёрланган настойка бод ва подагра хасталикларини даволашда ишлатилади.

Маълумки, эрта баҳордан бошлаб ўлкамизда шаҳар кўчаларини ва боғларини кўкаламзорлаштириш мавсуми бошланади. Шу пайтда мевали ва манзарали дарахтлар қатори каштан кўчатлари экилса, хиёбон-боғларимиз янада файзли ва фусункор бўлади.

**Уйғун АБДУЛЛАЕВ,**
**доришунос.**

БОЛАЛАР ОЛАМИ

## КИТОБ ШАҲРИГА

Биринчи маротаба вокзалга келган Козимжон дадасидан сўради:
— Бу поезд қаерга боради дада?
— Китоб шаҳрига.
— Унда ановиси «Журнал» деган шаҳарга бораркан-да.

## ПИЁЗ

— Ойижон, совун билан пиёз бир хилда-я?
— Нега унақа деяпсан, қизалоғим?
— Иккаласиям кўзни ачиштиради-ку...

## «МАЛИКА» ФИРМАСИ

Дадаси келтирган кўйлакни кийиб олган Камола боғчанинг тайёрлов группасига қатнайдиган акасига кўрсатиб сўради:
— Мана бунга нима деб ёзишибди, ака?
—«Ма-ли-ка фир-ма-си» деб, —хижжалаб ўқир экан тушунтирди акаси. Ойимларнинг исмларини ёзишибди, улар ишлайдиган жойда тикилган экан-да.

**Фозилжон ОРИПОВ.**



Чимён тизмаларида қиш.

Ҳ. Мирзакаримов фотоэтюди.

Кино янгилиги

# «ОКТЯБРЬ ИЛА ТУҒИЛГАН»

Мазкур фильм тақдирида бутун ўзбек аёллари босиб ўтган йўл акс этган. «Октябрь ила туғилган» картинаси актриса Сора Эшонтўраевага бағишланади. Болалигидаёқ ота-она меҳридан маҳрум бўлган, болалик чоғида очлик ва йўқчилик азобини тортган ўзбек қизи инқилоб офтобидан нур олиб, феодал сарқитлари, кишанларни ерпарчин қилди, озодликка чиқди. У паранжисини ташлаб мактабга ўқишга боради, кейин Москвадаги актёрлик санъати студиясида таҳсил кўради. Интилганга толе ёр деганларидек ўзбек қизининг чеккан заҳматлари, тинимсиз изланиши ва меҳнати зое кетмади. Ижодда эришган катта муваффақиятлари эвазига у СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати деган юксак унвонларга сазовор бўлди. Унинг номи ҳозирги кунда республика ҳамда мамлакатимиз ташқарисида ҳам машҳур. Сора Эшонтўраева тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг ҳам Ўзбекистон Совет тинчлик доимий ёрдам комиссиясининг фаол аъзоларидандир.

Ўзбекистон илмий-оммабоп фильмлар студиясида суратга олинган мазкур картина санъаткорнинг ижодий ҳамда ижтимоий фаолияти ҳақида, ҳаёти, асосийси олтмиш йил мобайнида саҳнада яратган ажойиб образлари ҳақида ҳикоя қилади.

Фильм ижодкорлари сценарийчи Валерий Иванченко билан режиссёр Ҳабибулла Файзиевлар ўзбек актрисасини экран орқали социалистик жамиятда ҳақиқий бахтга ва саодатга эришиб, санъаткор сифатида халқ меҳрини қозонган ўзбек аёлининг умумлашма образи тарзида гавдалантиришган.

Сора Эшонтўраева илк марта саҳнада жаҳон классиклари асарларидаги мураккаб ва мароқли ролларни ижро этганди. «Икки бойга бир малай»да Беатричени, «Маликаи Турандот»да Адельмани, «Гамлет» ва «Отелло»да Офелия ва Дездемона ролларини ўйнади. Бир неча йиллар илгари ижро этилган бу ролларни томошабинлар ҳали-ҳали эслайдилар. Буни театр санъатига қўшилган улкан ҳисса дейиш мумкин. Ҳатто чет эллик санъат ихлосмандлари ҳам актрисанинг ижрочилик маҳоратига юксак баҳо берган эдилар. Шунингдек, у ўзбек томошабинини Островскийнинг Катеринаси («Момақалдироқ») билан таништирди. Сора Эшонтўраева Комил Яшиннинг «Виждон ва муҳаббат» драмасида Онахон, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи»сида Жамила ролларини юксак маҳорат билан ижро этди.

«Октябрь ила туғилган» номли картина бизни санъаткорнинг ижодий йўли билан таништиради. Картинада унинг ўзига хос бўлган актёрлик қирралари, индивидуал томонлари ҳақида таниқли санъат арбоблари ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар.

Экран орқали томошабинлар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Уйғун ҳамда СССР халқ артисти М. И. Царев, филология фанлари доктори Иззат Султонов билан учрашишади.

Мазкур картинага Сора Эшонтўраева ҳақида кино устаси Малик Қаюмов томонидан суратга олинган эски, ноёб кадрлар ҳам киритилган.

«Октябрь ила туғилган» картинаси ҳам республика илмий-оммабоп фильмлар студиясида ишланган Ўзбекистоннинг ажойиб кишилари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли лентелар туркумига мансубдир.

**С. ЁДГОРОВА.**

ЭТЮД

## Бир бурда нон

**«Чўпонга ёрдамчи эдим — деб эслайди у. —Ерга урса кўкка сапчийдиган шўх, ўйинқароқ бир йигитчаман. Икки кун сурув билан ёлғиз қолиб кетдим. Фақат сув ичаман, туз тотмаганман. Қўйлар эса булоқ бўйида эриниб барра майсаларни қимтиб юрибди. Секин юриб қирга чиқдим. Қарасам, пастда, сайхонликда бир аёл тандир ёнида куйманиб, нон ёпаяпти. Билдирмай яқин бориб биқиниб ётдим. У ўтовга кириб кетиши билан чопиб бориб тандирдан битта нонни узиб қўйнимга солдиму, орқамга қочдим. Шу пайла дунёда мендан чопағон одамни топиб бўпсиз.**

**Нонни булоқ сувига ботириб едим-да, тўйган қўзидек диркиллаб яна қирга чиқдим. Ҳалиги аёл тандир олдида тўрт ёққа аланглаб ҳайрон: энгашиб санайди — нони кам, атрофда эса зоғ йўқ.**

**Чошгоҳда чўпон келди. У ёлғиз эмас — ёнида нотаниш бир чол ҳам бор. Чўпоннинг қовоғи солиқ. Меҳмон эса, менга қараб жилмаяди холос. У нон ёпган аёл ўтовидан экан. Кетаётиб мени чақириб, «кўйлагингни кўтар», деб қолди. Кейин чўпонга уқтирди: «Уни уришма, болада айб йўқ, очлик қурсин».**

**Нонни қўйнимга солиб қочганда сезмабман. Биқинимда иссиқ нон изи қолган экан...»**

**Юқоридаги воқеани менга ҳозир таниқли бир олим айтиб берган эди...**

**М. ЮСУПОВ.**

Дам олиш соатида

## КРОССВОРД



**Азиз оқшомхон! Қуйидаги кроссвордни соат стрелкаси йўналишида стрелка турган хоналар бўйлаб ёзинг.**

1. Таниқли партия арбоби, профессионал революционер-ленинчи, Октябрь революцияси ва гражданлар уруши иштирокчиси. 2. Биринчи ўзбек актрисаси. 3. Гражданлар уруши қаҳрамони. 4. Ёзувчи Ҳамид Ғулом асари. 5. Ойбек асарларидан бирининг персонажи. 6. «Темур ва унинг командаси» асари автори. 7. Марксистик газета. 8. Тошкентда Октябрь революцияси разведкачиси. 9. Қизил Армия қуролларидан бир тури. 10. Ташкилотчи, қаҳрамон комсомол.

**Тузувчи: Анвар МИРЗАЕВ.**

Келинг, бир кулишайлик

## ХАНДАЛАР

Тиш доктори телефонда гаплашиб бўлгач, ўз кабинетига қайтатуриб медицина ҳамширасидан сўради:
— Касаллардан яна борми?
— Ҳа, яна бир киши бор,—дея жавоб берди медицина ҳамшираси. — У киши сизнинг кабинетингизда ўтирибди.
— Ундай бўлса нега асбобларни тайёрламай турибсиз?
— Ахир ўша киши кабинетингизни ичкаридан маҳкам беркитиб олди-да?

●

Ҳамиша «биз» деб гапиришга одатланиб қолган врач бир беморни қабул қилгач, унга деди:
— Демак, қорнимиз оғрияпти, аҳволимиз жуда танг. Бунинг устига яна чучкиряпмиз ҳам. Хўш, энди биз ҳозир нима қилишимиз керак?
— Менимча, — дея жавоб берди бемор, — биз иккаламиз бошқа врачга мурожаат қилишимиз керак!

●

Руҳий касалликлар шифохонасида телефон жиринглади. Навбатчи трубкани кўтарганди, ундан эркак кишининг овози эшитилди:
— Марҳамат қилиб қараб кўринг-чи, ўнинчи палатада ким бор экан?
— Ҳеч ким йўқ,— дея жавоб берди навбатчи.
— Оббо! Демак мен қочиб кетишга муваффақ бўлибман-да!

**Тўпловчи Т. МАҲМУДОВ.**

Ҳайвонот оламида

## АКУЛА ТИШЛАЙ ОЛМАЙДИ

Калифорниялик биолог Д. Силливен океан сувидаги одамларга ҳужум қилувчи акуладан ҳимояловчи махсус кийим кашф этди. Ғаввослар коржомаси устидан кийиш учун тиконли тўр кийим яратилди.

Зангламайдиган металлдан ясалган 150 мингта ўткир тиконли бундай кийимга ваҳший акула яқин кела олмади. Акуладан сақлайдиган бу кийимнинг умумий оғирлиги 30 килограммга яқин.

## КЎП ЯШАШ ЧЕМПИОНЛАРИ

Ҳайвонот оламида энг узоқ умр кўрувчиларга филлар, қарғалар, айрим тур тошбақалар ва тўтиқушлар киради. Бу жониворларга шароит қулай бўлиб қолса, бемалол 100 йил ва ҳатто 200 йилгача яшай оладилар.

Балиқлар ичида кўп умр кўрадигани белугадир. 100 ёшли ноёб белуга қармоққа илингани ҳақида манбаларда ёзилган.

ТУРФА ОЛАМ

● МИРЗАҚУРУҚ

**Шарқий Англиядаги Хамбер дарёсининг қуйилиш жойида қурилган янги кўприкни газеталар «мирзақуруқ» деб аташди. Уни қуришга 9 йил... ва 91 миллион доллар кетди. Унинг кераксизлиги... учун лойиҳа авторлари роса дакки едилар. Матбуот ёзганидек, кўприкнинг боридан кўра йўғи яхши, бу ерда на йирик иқтисодий зона, на сераҳоли район бор.**

**Бироқ, эндиликда танқид қилганлар тил тишлаб қолишди. Чунки биринчи ҳафтадаёқ кўприкдан 100 мингта машина ўтди, уларнинг эгалари бир фунт стерлингдан тўлаб ўтишди. Янги кўприк оммалашганининг сабаби шундаки, унинг ўзи диққатга сазовор иншоот бўлиб, тиргаклари оралиғи жаҳонда энг узун —1410 метр.**



● БЕТОНДАН... КАНОЭ

**Бетон каби универсал қурилиш материалининг ҳамма афзалликларини санаб ўтишнинг зарурати бўлмаса керак. Бироқ, ундан кемалар қурилишида фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги хабар кўпчиликни ҳайратга солган эди. Яқинда австралиялик инженерлар Рассел Бридж ва Роберт Уин бетондан каноэ (қайиқ тури) қуришди.**

**Қайиқни қуришга бор-йўғи уч ҳафта вақт сарфланди. Унинг синч кажаваси тайёр бўлгач, Бридж ва Уин уни эгик, ясси, узунчоқ — 4 миллиметр қалинликдаги бетон «тахтакач»лар билан қоплаб чиқишди. Кейин уларни махсус оҳак қоришмаси билан бириктиришди.**

**Узунлиги 5,5 метр бўлган каноэнинг оғирлиги 114 килограмм бўлиб, икки кишига мўлжалланган.**

● ПАРИЖ ОСТИДА НЕФТЬ БОРМИ?

**Ҳозир Франция пойтахтининг кўпчилик аҳолисини Париж остида нефть борми!» деган савол қизиқтиряпти. Яқинда «Эссо Франс» компанияси пойтахтдан 70 километр нарида ер ости тадқиқотлари ўтказди. Текшириш 1800 метр чуқурликда нефть борлигини кўрсатди. Уни қазиб чиқаришадими — деган савол ҳозирча очиқ турибди.**

● МОТОЦИКЛСИЗ МАМЛАКАТ

**Мана икки йилдирки, Гренландияда мотоцикл ташиб келтиришни таъқиқловчи қонун кучга кирган. Бунинг сабаби — йўлларда бахтсиз ҳодисалар миқдорининг кўпайганлигидадир. Таъқиқлашнинг жорий этилишига атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича бутун жаҳонда авж олган кураш ҳам таъсир кўрсатди.**

● ИККИ ТОМЧИ СУВДЕК...

**Миннесотадаги (АҚШ) университет олимларидан бир группаси эгизаклар устида ўтказган кузатувини ниҳоясига етказди. Ака-укаларнинг қисмати фавқулодда ўзига хосдир. Улар чақалоқлигидаёқ иккита бошқа-бошқа оиланинг тарбиясига олинган эдилар. Ўшандан бери 40 йил ўтди, лекин улар бир-бирларининг борлигидан беҳабар эдилар. Шунга қарамай уларнинг одатлари, ҳатти-ҳаракатлари, сезгилари, сўзлаш ва ҳатто севган ранглари бир хил эди. Уларнинг бир хил касалликларга мойил эканликлари ҳам маълум бўлди. Ака-укалардан бири яқинда инфарктни бошдан кечирган эди, кўп ўтмай иккинчисини ҳам худди шу диагноз билан касалхонага олиб келишди.**




● ОЙНА НУРНИ «УШЛАЙДИ»

**Бундай ойна алюминийли юпқа полиэстр зар билан қопланган бўлса ҳам маромида равшан. Уни ГФРда уй-жой қурилишида қўллай бошлашди. Юпқа алюминий қатлами хонани ўта ёрқин қуёш нуридан иҳота қилади. Ойнанинг автомобиль транспортида ҳам қўлланилиши эҳтимолдан узоқ эмас: у ҳайдовчини рўпарадан келаётган машинанинг кўзни қамаштирувчи нуридан ҳимоя қилади.**

● ҲИССИЁТГА МУНОСАБАТ

**Хафалашиш, йиғлаш ва ғазабланиш — табиийдир деб даъво қилади пенсильваниялик (АҚШ) доктор Рейнхолд Аман. Унинг фикрича, кўп йиллик кузатишларидан аёнмишки, одам ўз ҳиссиётларини на ёмон, на яхши бўлсин ичига ютмаслиги керак экан. Акс ҳолда, бу юрак ва қон-томир касалликларига сабаб бўлар, ошқозонга салбий таъсия этар, бодни кучайтирар экан.**

